

## БЕШИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**401** «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидалари»га (ЎзР АҚ-91) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 18 августанда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-4*

*(2012 йил 28 августанда кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солик, молиявий хисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сон бўйруги билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидалари»га (ЎзР АҚ-91) (рўйхат рақами 1723, 2007 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 41-42-сон, 420-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 13 август,  
11н-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

**401-модда**

**— 46 —**

**33-34 (533-534)-сон**

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавф-сизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2012 йил 13 августдаги  
11-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси самовий худудида «Фуқаро ва  
экспериментал авиациясининг парвоз қилиш қоидалари»га  
(ЎзР АҚ 91) киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 89, 90, 92 ва 206-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. 91-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«91. Вактинчалик аэродромлар, авиация ишларини таъминлаш учун аэродромлар ва кўниш майдончаларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан белгиланади.».
3. 8-иоловада:  
йигирма еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
йигирма саккизинчи — ўттиз биринчи хатбошилари тегишли равишда  
йигирма еттинчи — ўттизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
4. Мазкур ўзгартиришлар Мудофаа вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология хизмати Маркази ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан келишилган.

*Мудофаа вазири*

*К. БЕРДИЕВ*

*2012 йил 13 август*

*Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги гидрометеорология  
хизмати Маркази Бош директори*

*В. ЧУБ*

*2012 йил 13 август*

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»  
Миллий авиакомпанияси  
Бош директори*

*В. ТЯН*

*2012 йил 13 август*